

Битирувчиларга оқ йўл тиланди

Институтизмизнинг “Ер ресурсларини бошқариш” факультетининг 170 нафар битирувчилари мустақил ҳаётга қадам қўймоқдалар. Шунини айтиш жоизки, замонавий билимларни эгаллаш бу эл-юрт хизматида камарбаста бўлиш демакдир. Олинган билим халқ хўжалигининг муайян жабҳаларида амалиётга айланган, унинг натижаси, самараси ўзгача бўлади. Юртбошимизнинг бирдан-бир ишончи ва умиди ҳам шу.



Жорий йилнинг 28 июнь куни “Ер ресурсларини бошқариш” факультетининг яна бир гуруҳ битирувчи-ёшларига, бакалавр даражаси диплом топиши маросими бўлиб ўтди. Унда институтнинг Ўқув ишлари бўйича проректор Мирзаев Баҳодир Суюнович, Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Шавозов Қодиржон Очилович ва факультет деканлари ота-оналар ва битирувчи-ёшлар иштирок этишди. Институтнинг Ўқув ишлари бўйича проректор Мирзаев Баҳодир Суюнович битирувчи-талабаларни табриклаб, тадбирни кириш сўзи билан очиб берди.



Шундан сунг факультет декани Нарбаев Шарофиддин Кенгешович талабаларни табриклаб, институт ректорининг диплом бериш тўғрисидаги буйруғини ўқиб эшиттирди ва талабаларга диплом тақдим этилди. 170 нафар битирувчи-талабалардан 17 нафари имтиёзли имтиёзли дипломга эга бўлишди. Ўзининг иқтидори ташаббускорлиги билан ажралиб турадиган битирувчиларни ота-оналарига ҳам институт раҳбарияти томонидан ташаккурномалар тақдим этилди. Тадбирга сўзга чиққан ота-оналар институтда фарзандига таълим берган барча устозларига ташаккурномалар айтишди. Дарҳақиқат, битирувчиларга назар солар эканмиз, ҳар бирдан ўзига хос ишонч уйғоқ қалб, уриб турган юракни ҳис этяпмиз деб бемалол айтоламиз. Ўйлаймизки, устозларидан олган билимларни келгуси мустақил ҳаётида барча битирувчиларимиз дастуруламал қилишади. Сўнг талабаларга оқ йўл ва келгуси ишларида улкан зафарлар тилашди.



ЕРБ факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини Ҳуррият Эшова ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов